

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1/2 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гулнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сўз ҳәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Хамроев Ғ.Х. Она тили таълимида нуткий кўникмаларни ривожлантирувчи ўқув топшириқларига прагматик ёндашиш	4
Ergasheva S.M. Она тили о'қитиш сифатини оshirishda о'quv lug'atlarining о'rni	7

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Маҳкамов У., Исмоилова Д., Олимжонов Д. Ислохотларда ўқитувчи ўрни ва роли	10
Абдисаттарова Э.А. Куёанышбай Ётениязов Қарақалпақстанда химия мектебин жаратқан устаз	13
Шарипова Ғ.С., Абдуқодирова Н.А. Талаба қизларда амалий санъат орқали тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш имкониятлари	16
Ражабова С.Ю. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг конструкторлик – технологик фаолиятта тайёргарлигининг тузилмавий компонентлари	21
Арзиева Б.А. Инглиз тилини ўқитиш шароитида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш модели	26
Хайтметов Д.Т., Маматқулова С.К. Ўзбекистон бадий кулолчилигининг ривожланишида кулолчилик мактабларининг ўрни	30
Гўлямов К.М., Солиева Д.Б. Бадий кулолчиликни ўргатишда устоз-шогирд анъаналари талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим омилли сифатида	33
Алланйезов А.Б. Ўқувчиларда қадриятли муносабатлар тажрибаси ва уни баҳолаш кўникмаларининг ҳосил бўлиши	36
Sharipova N.R. Yosh avlodni tarbiyasini shakllantirishda xalq maqollarning o'rni	40
Shamiyeva O.R., Ermatova G.P. Rahbarlik etiketi va muomala-madaniyati	43
Jabborova D.F. Modulli ta'lim-pedagogik texnologiyalarning muhim tarkibiy qismi sifatida	46
Қучқорова Н.М. Бўлажак педагогларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш шартлари	50
Akramova X.S., Tojiyeva N.I. Aqli zaif o'quvchilarning tafakkur jarayonlaridagi nuqsonlarni korrektsiyalashda o'yinlardan foydalanish yo'llari	53
Aliyeva D.M. Oliy ta'lim muassasalarida ingliz tilini nomutaxassis bo'lgan yo'nalishlarni o'qitishda innovatsion yondashuvlar (defektologiya misolida)	60
Дошнинязов Ж.К. Диагностическая характеристика для оценки уровня развития традиционных аспектов трудового воспитания и обучения учащихся Республики Қарақалпақстан в семье и школе	63

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Турекеев К.Ж. Реликты почитания барана у каракалпаков	69
--	----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Абдусаматов А. Математика ўқитиш методикасини тадқиқ қилишда инновацион ривожлантиришнинг тизимли таҳлили	73
Ахмедов А.А. Усовершенствование экспериментальной компетентности будущих учителей физики	77



ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ИСЛОҲОТЛАРДА ЎҚИТУВЧИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Маҳкамов У.

ТВЧПИ профессори, педагогика фанлари доктори

Исмоилова Д.

ТВЧДПИ ўқитувчиси

Олимжонов Д.

ТВЧДПИ педагогика ва психология йўналиши 2-курс талабаси

Таянч сўзлар: ўқитувчи, жамият, илм, педагог, таълим, тарбия, ахлоқ, психологик маҳорат, мактаб, шахс, мулоқот, масъулият, фаолият, меҳнат, тadbirkorlik, ишбилармонлик.

Ключевые слова: учитель, общество, наука, педагог, образование, воспитание, этика, психологические навыки, школа, личность общение, ответственность, активность, труд, предпринимательство, предпринимательство.

Key words: teacher, society, science, teacher, education, education, ethics, psychological skills, school person, communication, responsibility, activity, labour, entrepreneurship, entrepreneurship.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил Парламентга Мурожаатида “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, илғор тажрибалари муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўқитувчи илм-маърифатли кадрлар тайёрлаш, ўқувчиларни турли соҳаларга йўналтириш, узлуксиз таълим жараёнларида ислохотларни амалга ошириш, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларни тарбиялаш, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш, таълим жараёнини янгилаш, ўқитиш методикаси, шакл ва методларини қўллашда илм-маърифатга асосланиш кабиларни амалга оширишга маъсул шахс ҳисобланади. 2020-йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисод йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга қўтаришни тақозо этади. Шу жиҳатдан Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек “Энг катта бойлик - бу ақлзаковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксакмаданиятга сибўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашиш зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларга интизом ва маъсулият, қобилият

умумий, махсус ижтимоий билимлар меҳнатда ижодий муносабатда бўлиш, топширилган ишни тез ва сифатли бажаришга интилиш, қатийлик, касбий ғурур, маҳорат ва ҳурмат, самимийлик, ишлаб чиқариш маданияти, ҳаётий фаолиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамоада меҳнатида бир-бирига ёрдам бериш, ташаббускорлик ва мустақиллик, мамлакат, равнақи учун унумли меҳнат қилиш, иш билармонлик ва тadbиркорлик, меҳнатсеварлик, мулоқот маданияти, самимийлик, уддабуронлик жамиятда ўзини тутиш маъсулиятига эга бўлиш, соғлом турмуш тарзини бўш вақтини мазмунли ўтказишга оид ҳуқуқий норма ва қонунлар ҳақида билиш ва ахлоқий билимларга эга бўлиш, оилавий бурчларини бажариш, ўз ота- оналарига, ёши улугларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, қобилиятларини ривожлантириш асосида улар олдида қўйилган мақсад ва вазифаларини амалга оширишида ишонч, малака, шахс сифатлари, одоб, ҳулқ-атвор кирраларини такомиллаштиради. Ўқитувчи фаолиятининг асосий мақсади ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришдир. Мактаб таълимининг демократик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда амалга оширишда ўқитувчи таълим-тарбия мазмунига қўйидаги ғояларни такомиллаштириш унинг негизини ташкил этади.

1 Ўқитувчи фаолиятида тарбия мақсадининг аниқ бўлишига эришиши бунда қўйилган аниқ мақсад ўқувчи ҳар томонлама ривожлантиришда унинг қобилияти ва ютуқларига ишонишда тарбия жараёнимазмунининг асосий негизи ҳисобланади. Чунки ҳаёт маданияти, ижтимоий ва меҳнат маданияти, сиёсий, демократик, ахлоқий ва экологик, бадний ва жисмоний оила мундсабатлари маданияти кабилар ўқувчи шахсини шакллантиришнинг асосий функциялари ҳисобланади.

2. Катталар ва болаларнинг ҳамкорликдани фаолияти. Ушбу жараёнда болалар билан ишлашда ахлоқий жараёнлар маънавий-маданият намуналари, фаолият маданияти асосида ўзининг шахсий қадриятлари, иши мазмунини ташкил этади.

3. Ўз- ўзини англаган шахсни шакллантириш. Ушбу жараёнда ўқувчида мустаҳкам ишонч, демократик қарашлар ва инсоний позицияси такомиллашади. Тарбия мазмунининг асосий илдизи униониста ҳаётий маданиятини аниқлаш ва ривожлантириш асосида унинг соғлом турмушга тайёрлаш ва бахтли бўлишига эришиш. Ҳаётий маданият инсоннинг шахсий ҳаёт ва бахтини ривожлантиради

4. Тарбиянинг шахсга йўналганлиги. Тарбиявий ишлар жараёни марказида дастур, тadbир, шакл ва методларни амалга оширишда ўқувчиларнинг бўлиши ўқитувчи педагогик фаолиятининг олий мақсади ҳисобланади. Ушбу жараёнда ўсмирнинг индивидуал лабқатларини, қизиқишларини, ўзига ҳос характери, шахсий ҳис-туйғуларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Тарбияланувчиларнинг қизиқишларининг ҳаракатлари юксак даражада кўтарилишида уларнинг манавий эҳтиёжлари тарбиянинг асосий қоидалари бўлиши лозим.

5. Ўз ҳошии билан иштирок этиш. Тарбияланувчиларнинг ҳошии тарбия жараёнининг қизиқарли ва мазмунли бўлишида ўз самарасини беради. Ушбу жараёнда ривожлантиришда ёки ҳамкорлик ғояси (қийинчиликларни енгиш ўзини баланд тутиш) билан чегараланиб бўлмайди. Тарбия жараёнини мажбурий равишда ташкил этиш. Ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ахлоқий жиҳатдан салбий ҳолатларга олиб келади. Болаларни “Тарбия” мажбуриятини бажаришга зўрлаб бўлмайди. Ўқитувчилар ўқувчиларининг қизиқишларини, ҳис-туйғуларини романтик қарашлари, фуқаролик ва ўртоқлик бурчлари мустақил фаолиятга ва инсонга бўлган интилишларини ҳисобга олган тақдирдагина тарбияланувчиларда эркинлик туйғулари камол топади.

6. Жамоатчилик йўналишлари. Тарбия жараёни мазмунида ўқувчиларни жамоага бўлган муносабатларини мустаҳкамлаш, интизом талабларига амал қилиш унинг маъ-

навий ахлоқий жиҳатларини ривожлантириш асосида шахсни шакллантириш муҳим ўрин тутadi. Мактабдаги тарбия ҳаракатлари стратегиясининг мазмуни ва воситлари ўқувчиларни катта ҳаётга таёрлаш негизини ташкил этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим соҳасида, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти ўқувчи-ёшлар шахсида жамият ҳаётига ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилишга оид тегишли фаолият турлари асосида ижодий қобилиятларини ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи ўз ўқувчиларида ёшлигиданок соғлм турмуш тарзи ва ижтимоий ҳис туйғулари, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари билиш ва ижодий жараёнини ривожлантириши асосида билим олишга фаол қизиқиш, ўқув ва ҳаётий фаолият учун ахборотни мустақил топиш ва фойдаланиш, воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириш ва уларни ҳаётда қўллаш қабиларни амалга ошириш. Таълимнинг мазмун моҳиятини, унинг имкониятларини ва натижаларини такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса ўқувчи таълим марказида ривожланаётган шахс, унинг имкониятини тўлиқ, юзага чиқаришга интилиши, имкониятлари, индивидуал хусусиятлари ўқувчиларда шахсини ва ижтимоий психологик тайёргарлик даражасини намоён этади. Бу эса унга турли талаб ва мажбуриятларни қабул қилишга тайёр бўлишини талаб этади. Ўқувчидаги бундай ҳошиш унинг мактабда муваффақиятли ўқиши учун табиий асос ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида замонавий, инновацион, педагогик, психологик, дидактик, методик ёндашувлар асосида ташкил этишда узлуксизлик ва ўзвийликни таъминлаш компетенцияларига алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Бу эса ўқитувчи фаолиятидаги асосий кўрсаткич сифатида ижобий натижаларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда ўқувчи - ёшларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига дастлаб оилада, мактабда асос солинади. Жамиятнинг комил фуқаросини ривожлантиради сиёсий, ғоявий дунёқараши, ахлоқий меъёрлар ва ҳулқий оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларда амалга оширилади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш, жумладан жамиятда белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиши, таълим олиши учун шарт-шароит яратилиши ва уларни моддий ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Шу билан бирга оила ва мактабдаги бошқарув функциясига боғлиқ ҳисобланади. Шу жиҳатдан оила аъзоларининг ҳулқи, билим савияси ва дунёқарашини ва ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ўқувчи-ёшлар учун ибрат-намуна ҳисобланади. Шундай экан ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятида ижодий имкониятларини фаоллаштириш натижасида ўқув-тарбиявий жараёнда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган инновацион ўқитиш технологияларини амалга ошириш, ўқувчиларнинг хусусиятлари ва қобилиятлари, уларнинг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда миллий ва умуминсоний кадриятларни ўқувчилар онгига сингдириши, шахс, жамият ва атроф-муҳитига бўлган муносабатларида ижодий фикрлаш, башорат қила олиш, муқобил фикрлашга имкон берувчи шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш, ижтимоий аҳамиятли қарорлар қабул қилишга ўргатиш, мустақил таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш қабиларни таълим - тарбия жараёнида узлуксиз амалга ошириш ўз самарасини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Ўзбекистон», 2015.
2. Ишмухаммедов Р., Абдукодилов А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: «Истеъдод», 2008.
3. Омонов Н.Т, Хужаев Н.Х, Мадырова С.А, Эшонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2009.

4. Курбонова Г.А. Бугунги кундаги ўқитувчининг педагогик маҳорат ва педагогик бурчи. Узлуксиз таълими ривожлантиришнинг ижтимоий мониторинги, жараёнининг илмий асослари ва натижавийлиги. Илмий-амалий анжуманидаги маърузаси. - Т.: 2013.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим ислохатларида ўқитувчининг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишдаги ўрни, ўқувчи шахсини шакллантиришдаги аҳамияти каби масалаларнинг долзарблиги тарихий, маънавий, педагогик жиҳатдан асосланган ва тақомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В основе данной статьи лежат исторические, духовные, педагогические и рекомендации по повышению актуальности таких вопросов, как педагогические навыки учителей, их роль в реализации образовательных процессов, их значение в формировании личности студента.

SUMMARY

The article is based on historical, spiritual, pedagogical and recommendations to increase the relevance of such issues as teachers' pedagogical skills, their role in the implementation of educational processes, their importance in shaping the student's personality.

ҚУЎАНЫШБАЙ ӨТЕНИЯЗОВ ҚАРАҚАЛПАҚСТАНДА ХИМИЯ МЕКТЕБИН ЖАРАТҚАН УСТАЗ

Абдисаттарова Э.А.

Нөкис мамлекетлик педагогикалық институты докторанты

Таянч сўзлар: Қ.Утениязов, кимё, алкалоид, лупинин, биологик фаол модда, биоорганик кимё, тиббиёт.

Ключевые слова: Қ.Утениязов, химия, алкалоид, лупинин, биологический активный вещества, биоорганическая химия, медицина.

Key words: K.Uteniyazov, chemistry, alkaloid, lupinine, biological active substance, bioorganic chemistry, medicine.

Мамлекеттиң раўажлануы кўшли ызымшылық ҳам өндиристиң дурыс жолға қойылуы тәмийинлейди. Өндиристи маман кәнигелер менен тәмийинлеў, мийнет базарына бәсекиге шыдамлы жетик кадрларды таярлаў мамлекет алдында турған тийкаргы ўазыйпалардың бири. Сонлықтан, елимизде билимлендириў, кадрлар таярлаў мәселесине мамлекетлик сиясат дәрежесинде итибар қаратылды. Бул Өзбекстан Республикасының биринши Президенти И.А.Каримовтың тиккелей басламасы ҳам басшылығы астында алып барылды. «Билимлендириў ҳақында»ғы Ызым ҳам «Кадрлар таярлаўдың миллий бағдарламасы» ислеп шығылып, бул тараўдағы кең көлемли реформаларды әмелге асырыўға тийкар жаратылды. Ҳақыйқатындада, Президентимиз тастыйықлағанындай, бизиң ертеңги келешегимиздиң тийкары бүгинги билим дәрғайларында жаратылады. Бир-биринен ажыратып болмайтуғын тәлим тәрбия мәселеси халқымыздың мәнәўиятын қәлиплестиретуғын ҳам байытатуғын ең әҳмийетли дәрек болып табылады. Бердақ атындағы Қарақалпақ мамлекетлик университети республикамыздың илим ҳам билимлендириў, тәлим ҳам тәрбия тараўлары, мәнәўият, спорт ҳам мәдениет ошақларының бири сыпатында ғәрәсизелимиздиң буннан былай гүллеп раўажлануына хызмет етип келмекте. Әсиресе, жәмийеттиң тийкаргы жетекши кўшлери есапланған жасларды жоқары интеллектуал қәбилетли, дүньяда ҳам мамлекетимизде жүз берип атырған сиясий-экономикалық өзгерислерге саналы қатнас жасайлауғын мәнәўий дүньясы бай, жетик кәнигелер етип таярлауда саналған тийкаргы оқыў орынларының бири. Қарақалпақстан мектептеринде химия пәнин оқытатуғын муғаллимлерге билим берген жоқары оқыў орынларында тыным-